



ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Умарова Гўзал Гайратовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, PhD, доцент

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатини стратегик ривожлантиришда инвестициялар жозибadorлиги ва уни бошқаришнинг услубий жиҳатлари чуқур таҳлил этилган ҳамда бу масала бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қулай инвестиция муҳити, хорижий инвестициялар, маҳсулот, салоҳият, қўшма корхона, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, юқори қўшилган қиймат, қайта ишлаш, модернизация, диверсификация.

ИНВЕСТИЦИОННАЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТЬ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЕЕ УПРАВЛЕНИЯ

Умарова Гузал Гайратовна

Ташкентский государственный экономический университет, к.э.н., доцент

Аннотация. В данной статье глубоко анализируется привлекательность инвестиций в стратегическое развитие текстильной промышленности, которая является одной из ведущих отраслей Узбекистана, и методологические аспекты управления ею, а также даются предложения и рекомендации по этому вопросу.

Ключевые слова: благоприятный инвестиционный климат, зарубежные инвестиции, продукция, потенциал, совместное предприятие, производственные мощности, высокая добавленная стоимость, переработка, модернизация, диверсификация.

INVESTMENT ATTRACTIVENESS AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF ITS MANAGEMENT

Umarova Guzal Gayratovna

Tashkent State University of Economics, PhD, associate professor

Abstract. this article deeply analyzes the attractiveness of investments in the strategic development of the textile industry, which is one of the leading industries in Uzbekistan, and the methodological aspects of its management, as well as offers and recommendations on this issue.

Key words: comfortable investment environment, foreign investment, product, potential, joint venture, product production capacity, high added value, processing, modernization, diversification.

Кириш.

Жаҳонда интеграциялашув жараёнининг чуқурлашуви шароитида тўқимачилик корхоналарини стратегик ривожлантиришда инвестицияларни бошқариш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда стратегик бошқариш, риск менежмент, лойиҳани бошқариш, стратегик режалаштириш ва стратегик дастурларни ишлаб чиқиш, стратегик таҳлил, мақсадлар бўйича бошқариш; рақамлаштириш технологияларини қўллаш асосида стратегик бошқарувни ташкил этиш; корхоналар инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш, инвестицияларни бошқаришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олиб борилаётган илмий изланишларда саноат корхоналарида инвестиция фаолиятини стратегик бошқарув механизмларини такомиллаштириш, унинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Вечканов ва Вечкановаларнинг (2016) таъкидлашича: «Инвестиция – бу фойда олиш мақсади билан мамлакатда ёки хорижда халқ хўжалигининг турли тармоқларига давлат ёки хусусий капиталнинг узоқ муддатли қўйилмаларидир».


Бочаров (2019) эса: «Инвестиция тадбиркорлик ва бошқа кўринишдаги фаолият объектларига қўйилган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал қимматликлар бўлиб, натижада фойда (даромад) юзага келади ёки ижтимоий самарага эришилади», деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилган тушунчаларда инвестицияни маълум бир объектга қўйилган қимматлик ёки ресурс сифатида қараб чиқилган.

«Инвестиция жозибдорлиги» тушунчасини Казакова ва Валинуровалар (2014) инвестицияларга салоҳиятли тўловга қобилиятли талабни назарда тутган объектив белгилар, хусусиятлар, воситалар ва имкониятлар бирлиги, деб таърифлайдилар.

Фарқли нуқтаи-назарлар ҳам мавжуд.

Жумладан, Гиляровская ва бошқалар (2019) «инвестиция жозибдорлиги» термини замирида хусусий ва қарз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, тўловга қобилиятлилик ва ликвидлиликни таҳлил қилишни эътироф этадилар. Инвестиция жозибдорлигини даромад ва риск нуқтаи-назаридан баҳолаб, шундай тасдиқни айтиш мумкинки, бу - рискнинг минимал даражасида воситаларни қўйишдан юзага келадиган даромад (иқтисодий самара). Инвестиция муҳити ва инвестиция фаоллигини тавсифлашда берилган таърифнинг ролини қуйидаги 1-расмда кузатиш мумкин.



1-расм. Инвестиция жозибдорлиги (Тренев, 2019)

Шундай қилиб, эксперт ёки таҳлилчи томонидан «инвестиция жозибдорлиги» атамасига таъриф беришдаги ёндашувдан шу нарса маълум бўляптики, мазкур терминдан у ёки бу объектга капитални қўйишда муқобил вариантларни танлаш ва ресурсларни тақсимлаш самарадорлигини аниқлашни баҳолашда фойдаланилади.

Таъкидлаш жоизки, «инвестиция жозибдорлиги» тушунчаси инвестиция жалб этиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун объектив мақсадга йўналтирилган иқтисодий омиллар ҳамда рағбатлар йиғиндисидан иборатдир.

Шу сабабли, уни баҳолашга ёндашишда иқтисодий ривожланиш даражаси ва инвестиция жозибдорлиги атамалари фарқларига эътибор қаратиш керак. Биринчиси, инвестиция киритиладиган объектнинг ривожланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар йиғимини аниқласа, инвестиция жозибдорлиги эса, объектнинг ҳолати, унинг келгуси ривожланиши, даромадлилиги ва ўсиши билан тавсифланади. Амалиётда инвестиция жозибдорлигини баҳолашда инвестициялаш назарда тутилган объектлар молиявий ҳолати таҳлил этилади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада тизимли, илмий мушоҳада, иқтисодий статистик, корреляцион-регрессион, иқтисодий математик, SWOT таҳлил, монографик тадқиқот, статистик танланма, гуруҳлаш, қиёслаш, экспертлар баҳоси ва бошқа усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Мамлакат, ҳудуд инвестиция жозибadorлиги – бу ҳудудга сармоя киритилишини аниқлайдиган ва инновацион фаоллик билан баҳоланадиган белгилар (шарт-шароитлар, чекловлар) бирлигидир. Ҳудуднинг инвестиция фаоллигига сармоя оқими жадаллиги, деб қаралиши лозим. У инвестиция жозибadorлиги каби жорий (таҳлил даврида), прогнозли ёки истиқболли бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳудуднинг инвестиция жозибadorлиги ва фаоллигини баҳолашда қўлланилаётган ёндашувлар таҳлил босқичида ўзгаришсиз қолиши лозим. Айни пайтда, ҳудуднинг инвестиция жозибadorлиги ва фаоллигини баҳолашда қўлланилаётган кўрсаткичлар миллий иқтисодиётнинг ҳар бир ривожланиш босқичида ўзгариши мумкин.

Ҳудуд инвестиция жозибadorлиги, бир тарафдан, минтақа инвестиция салоҳияти асосида, иккинчи томондан, кутилаётган рисклар асосида шаклланади. Инвестиция салоҳияти ва риск - бу омиллар яхлит бир бутунлигининг ифодасидир. Ҳудудий инвестиция рисклари мавжудлиги минтақа инвестиция салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаганликдан далолат беради.

Инвестиция салоҳиятини аниқлашда асосий макроиқтисодий, ижтимоий-демографик ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Улар: сиёсий, иқтисодий, ресурс - хом ашё, меҳнат, ишлаб чиқариш, молиявий, инновацион, институционал, инфратузилма ва ижтимоий омиллардир. Инвестиция салоҳияти шаклланишининг санаб ўтилган омиллари бирлашган характерга эга. Уларнинг ҳар бири статистик кўрсаткичлар қатори ўлчанган суммаси каби ҳисобланади. Натижада, корреляцион-регрессион таҳлил изланаётган кўрсаткичига таъсир этувчи юзлаб энг муҳим бошланғич кўрсаткичларни ажратиш мумкин. Назарий жиҳатдан фойдаланилаётган регрессион таҳлил моделини ўтказиш учун изланаётган кўрсаткичга бир қатор омиллар таъсир этишини характерловчи катта ҳажмдаги маълумотлар зарур. Бироқ, маълумотларни амалга оширишга зарур эвристик ёндашув ёрдамида ишончли натижалар олиш учун катта бўлмаган қиёсий ҳажмдан фойдаланиш мумкин. Демак, кўпгина омилларни саралаш, асосан, сифатли таҳлил, яъни ҳудуднинг турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва табиий-ресурс характеристикаларини ўрганишни ўз ичига олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Уларни ҳисобга олиш, энг аввало, инвесторларга уларнинг зарурлиги билан ифодаланади (Чернов, 2017).

Тармоқнинг инвестиция жозибadorлиги. Жаҳон иқтисодиёти амалиётида экспертлар гуруҳи томонидан мамлакат иқтисодиёти тармоқлари инвестиция жозибadorлигини баҳолаш кўрсаткичини аниқлашда 10 баллик шкала тизимидан фойдаланишади. Инвестицион жозибadorлик кўрсаткичини ҳисоблашда экспертлар тармоққа тегишли корхоналарнинг куйидаги хусусиятларини баҳолаб чиқдилар:

- хом ашё базасининг ҳолати;
- корхона технологик базасининг жорий ва келгуси даврдаги ҳолати;
- корхонанинг асбоб-ускуна, комплектловчилар ва хом ашё импортига тобелиги даражаси;
- янги иншоотлар қуриш ёки эскиларини реконструкциялашга эҳтиёж;
- корхона истиқболлини белгилаш даврида унинг менежменти (бошқаруви);
- корхонани бошқаришда эпчиллик;
- корхонанинг маъмурий сиёсати;
- техник сиёсат;
- инновация сиёсати;
- маркетинг сиёсати;
- техник қайта жиҳозлаш зарурияти;
- ишлаб чиқариш даврида инвестицияларнинг ўз-ўзини оқлаши;
- корхонанинг тўловга қобилиятлиги ва рентабеллиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ижтимоий аҳамияти ва истеъмолчи томонидан унга талаб даражаси;
- ҳудуд миқёсида тармоқ маҳсулоти ликвидлиги ва рақобатбардошлиги;
- халқаро бозорларга чиқишдаги жорий ва келажак ҳолат;
- йирик ва кичик бизнес билан алоқа;

- корхонанинг дилерлик фаоллиги;
- тармоқнинг бозор маданиятлиги ёки криминалги даражаси.

Яъни, ушбу кўрсаткич тармоққа тўлиқ тавсиф беради, унинг кредит ва инвестицияларга бўлган талабини, шунингдек, кредитларни қайтариш ва инвестицияларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддатларини аниқ кўрсатиб беради. Бу кўрсаткич 100 фоиз кўрсаткичга нисбатан кўриб чиқилади. Яъни бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, корхонага технологик база ва коммуникацияни янгилаш учун шунча кўп пул воситалари керак бўлади. Оқибатда, тармоқ бу пулларни тез қоплаш ёки қайтариш имкониятига эга бўлади. Бизнинг республикамизда тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш учун асосий заҳиралар ва чет эллик инвесторларни ўзига жалб этадиган жозибadorлик омиллари сифатида тармоқнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Ўзбекистон ҳукумати томонидан тўқимачилик саноати тармоғини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида қўллаб-қувватланиши;

- саноатни ривожлантиришга қаратилган имтиёзлар ва энгилликлар, жумладан, солиқ ва чет эл инвесторларига бериладиган рағбатлардан иборат аҳамиятли имтиёзларнинг яратилганлиги;

- катта хом ашё ресурслари, асосан юқори сифатли пахта толасининг мавжудлиги;

- энергия ресурсларининг паст қийматлилиги;

- малакали ишчи кучлари мавжудлиги;

- тегишли инфратузилма, транспорт коммуникациялари, ривожланган банк ва юридик хизматлар, алоқа тармоқлари борлиги (Ример, 2017.).

Корхонанинг инвестиция жозибadorлиги. Инвестициялар муаммоси - бугун кундаги энг машҳур мавзулардан бири. Инвестиция жарёнлари мантиқини тушуниш инвестиция жарённинг турли босқичларида қабул қилинадиган амалий қарорлар бир хиллигига боғлиқдир. Инвестиция жараёнининг энг асосий ва жавобгар босқичларидан бири - бу инвестиция ресурслари қўйилиши мумкин бўлган корхонани танлаш. Инвестициялаш объектини танлаш учун асосан, «корхонанинг инвестиция жозибadorлиги», деган тушунча қўлланади. Мазкур бандда биз айнан ушбу тушунчани талқин этамиз ва унинг институционал сифатида инвестициялаш жараёнида ўйнайдиган ролини характерлаб берамиз. «Инвестиция жозибadorлиги» тушунчасини кўпинча «инвестициялаш объекти фаолияти иқтисодий натижалари асосида инвесторнинг кафолатли, ишончли ва ўз вақтида мақсадга эришиши имконияти» сифатида таърифлайдилар. Таъриф минимум даражада тўлиқ эмас, негаки инвестициялаш натижаси кафолатланмаган жараёндр. У ёки бу инвестиция қарори рискнинг даражасини назарда тутаяди, чунки ҳеч бир шароитда кўзланган мақсадга эришишга тўлиқ ишониш мумкин эмас. Ихтиёрий кўринишдаги инвестициялар, яъни стратегик, спекулятив, тўғри, портфель инвестициялар юқори риск билан боғлиқдир. «Корхона инвестиция жозибadorлиги» тушунчасини инвестиция жараёнининг иқтисодий агентлар, салоҳиятли субъектларнинг шахсий кузатишлари билан ифодаланган, инвестициялашда кўзда тутилган мақсадга эришишнинг «эҳтимоллик даражаси», деб таърифлаш ўринлидир. Биз, «инвестиция жозибadorлиги»ни инвестиция жараёнининг алоҳида аниқ субъекти учун «инвестициялар фойдалилиги», деб ифодалашни лозим топдик. «Фойдалилик» тушунчаси тўғрисида анъанавий қарашлар (истеъмом хулқи неоклассик назариясидан олинган, унинг доирасида мазкур тушунча ўзининг замонавий, янада ривожланган шаклига эга бўлди) ва «инвестициялар фойдалилиги» (инвестиция жозибadorлиги) ҳақидаги қарашлар моҳиятан бир-биридан фарқ қилади. Энг юқори даражадаги фарқлар ўртасида «корхонанинг инвестиция жозибadorлиги» тушунчаси институционал табиатига йўналтирувчи қуйидагиларни таъкидлаб ўтамыз (Чернов, 2017).

Корхона инвестиция жозибadorлигини баҳолаш жараёни турли даражадаги қуйидаги баҳолаш институтлари тизими билан тартибга солинади (Ример, 2017):

1. Ахборот институтлари. Уларнинг таркибига миллий ҳуқуқ, фонд бозори, товар бозори, оммавий молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби каби институтлар киради.

2. Таҳлилий институтлар. Уларнинг таркибига инвестицион жозибadorликнинг расмий таҳлили ва инвестиция жозибadorлигининг норасмий таҳлили каби институтлар киради. Мазкур баҳолаш инвестициялаш харажатлари камайишига ва инвестиция фаолиятнинг рағбатлантирилишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхонанинг инвестиция жозибadorлигига қуйидагича таъриф бериш мумкин, яъни: «корхонанинг инвестиция жозибadorлиги» – бу ишлаб чиқаришни

модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда мазкур маҳсулотлар нархи юқори бўлишини таъминловчи минимал рискли, узоқ муддатга мўлжалланган инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир”.

Инвестиция жараёни барча субъектларининг инвестиция фаолияти харажатларни камайтириш эвазига кўпроқ самарадорлик олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Инвестиция фаолияти нафақат алоҳида корхоналар, ташкилотлар, инвестиция компаниялари ва жамғармалари, балки давлат, ҳудудий органлар бошқаруви инвестиция лойиҳалари ва қарорларига нисбатан ҳам кўрилиши мумкин. Шунингдек, у давлат, унинг ҳудудлари, алоҳида компаниялар, фирмалар, корхоналарнинг янада самарали инвестиция стратегиясининг ишланмаси ва айирбошланиши, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини самарали айирбошлашни таъминлаши лозим.


Инвестиция фаолиятини бошқариш давлат ва унинг ҳудудлари миқёсида каби алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар доирасида ҳам бор бўлган ҳамда жалб этилаётган инвестиция ресурслардан янада самарали фойдаланиш мақсадида инвестиция менежменти мавжуд. Бу ҳолда инвестиция менежментини бевосита инвестиция фаолиятини бошқариш жараёни сифатидагина эмас, балки унинг самарадорлигини таъминловчи илмий усул сифатида ҳам кўриб чиқиш муҳим. Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотларнинг инвестиция фаолияти ишлаб чиқаришнинг юқори техник даражаси ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган хўжалик юритиш жараёни ва бошқаришнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли инвестиция менежменти ишлаб чиқарувчи ташкилот менежменти жами тизимининг бир қисми ҳисобланади ва даставвал инновация фаолиятини бошқариш, стратегик ва молиявий менежмент тизимчалари билан боғлиқ. Бизнинг фикримизча, инвестиция менежменти – бу, биринчи навбатда, инвестиция қўйилмалари ва оқимларини бошқариш. Банк муассасалари, суғурта ва бошқа молиявий компанияларнинг фаолияти, шунингдек, инвесторлик вазифалари (инвесторларни кредитлаш, мавжуд бўш маблағлар ҳисобига корхона активлари, қимматли қоғозлар ва бошқаларни сотиб олиш)ни амалга ошириш билан боғлиқ, ўз навбатида, кўрсатилган компанияларнинг менежменти ҳам уларнинг инвестиция фаолиятини бошқаришни назарда тутди.

Инвестицияни бошқариш иқтисодий субъект инвестиция фаолиятининг барча жиҳатларини бошқариш жараёнини ўзида акс эттиради. Инвестицияни бошқаришнинг куйидаги асосий вазифаларини ажратиш кўрсатиш мумкин (2-расм).

1. Самарали инвестиция фаолияти натижасида фирма, компанияда ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятнинг ўсиши. Ихтиёрий фирма ва компаниянинг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий ривожланиш стратегияси унинг ташкил этилган кунидан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини доимий кўпайтириш, бозордаги ўрни ва у билан боғлиқ фаолият диверсификациясини кенгайтиришни назарда тутди.

2. Инвестиция қўйилмаларидан молиявий қайтимни максималлаштириш. Корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик юритиш фаолияти қўлами ва самарадорлигининг асосий жами кўрсаткичлари уларнинг олган даромади ва фойдаси суммаси ҳисобланади. Ўз навбатида, инвестиция қўйилмалардан қайтим фойданинг ўлчами (инвестицияларнинг рентабеллиги)га нисбатан ўсиши билан аниқланади.

3. Инвестиция қўйилмаларини оптималлаштириш. У бевосита инвестициялардан максимал қайтим олиш вазифаси билан боғлиқ. Инвестиция қўйилмаларидан қайтим хўжалик юритиш фаолиятининг турли соҳаларида, давлатнинг турли ҳудудларида, халқаро лойиҳаларда моҳиятан фарқланади. Иқтисодиётнинг давлат сектори, бошқарувнинг умумдавлат ва ҳудудий органлари, шунингдек, йирик инвестиция, молиявий ва ишлаб чиқарувчи компанияларига нафақат аниқ алоҳида ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳалари ва дастурларининг локал самарадорлигини таъминлаш, балки халқаро меҳнат тақсимооти ва халқаро кооперацияни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун инвестицияларни тақсимлашни оптималлаштириш муҳим. Турли юридик ва жисмоний шахсларнинг акция ва қимматбаҳо қоғозлар каби инвестиция қўйилмалардан қайтими уларнинг инвестиция портфелининг шаклланиш сиёсатида боғлиқ.



2-расм. Инвестицияни бошқаришнинг асосий вазифалари⁸⁹

4. *Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида рискни минималлаштириш.* Инвестиция қўйилмаларини амалга ошираётганда амалда ҳар доим улардан қайтим бўлиши ҳақида риск ёки қандайдир ноаниқлик бўлади. Маҳсулотни сотиш нархи ва ҳажми, зарур капитал қўйилмалар суммасини аниқлаш, хом ашёни сотиб олиш, товарларни комплектлаш нархида, бино-иншоотларни ишга тушириш ва реконструкция қилиш муддатларида ноаниқликлар юзага келади. Акция ва қимматбаҳо қоғозлар каби инвестиция қўйилмалардан қанча ҳажмда даромад олиш номаълум бўлади. Шунинг учун риск омилларини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, молиявий йўқотишларга йўл қўймасликка ҳаракат қилиш зарур.

5. *Инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўловга қодирлигини таъминлаш.* Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қўйилган инвестиция қўйилмалари молиявий маблағларни катта ҳажмда ва узок муддатга қўйилишини назарда тутати. Бу нарса корхоналарни жорий хўжалик операциялари ва бюджетга тўловлар бўйича тўловга қодирлигининг камайишига, охир-оқибат банкротликка олиб келади.

6. *Инвестиция лойиҳаси ва дастурларини амалга оширишни тезлаштириш йўллари топиш.* Вақт омили ихтиёрый иқтисодиётда, айнан бозор иқтисодиётида деярли асосий ролни ўйнайди. Инвестиция лойиҳаси ва дастурларини амалга ошириш муддатларини қисқартириш, биринчи навбатда, инвесторлар томонидан қўйилган молиявий воситалар ва бошқа капиталлардан қайтиш муддатини тезлаштиради, кредит ва бошқа қарз воситаларидан фойдаланиш, улардан олинган фойза суммаси муддатларини камайтиради. Бундан ташқари, инвестиция лойиҳаси ва дастурларини амалга оширишни тезлаштириш инвестиция бозори конъюнктураси ноқулай ўзгариши, давлат ва ҳудудларда инвестиция муҳитининг ёмонлашуви билан боғлиқ инвестицияларнинг риск даражасини моҳиятан камайтиради. Инвестиция бошқарувининг барча вазифалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискни минималлаштириш бевосита инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида фирманинг молиявий барқарорлиги ва тўловга қодирлигини таъминлаш, инвестиция қўйилмаларидан молиявий қайтимни максималлаштириш билан боғлиқ. Шу муносабат билан, инвестиция фаолияти стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга

⁸⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

оширишда барча юқорида санаб ўтилган вазифаларни мажмуавий (комплекс) тарзда кўриб чиқиш ва уларни ечиш йўлларини топиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар.

Бизнинг фикримизча, тўқимачилик саноати тармоғининг инвестицияларни жалб қилувчанлик даражаси - бу иқтисодиётнинг реал секторларидан бири эканлиги ва бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалиги билан белгиланади. Назарий таъриф ва қарашлар шундан далолат бермоқдаки, тўқимачилик саноати тармоғига инвестицияларни киритишни кенгайтириш ва уларни самарали бошқариш тармоқ ҳамда мамлакат иқтисодиёти стратегик ривожланишига қулай замин яратиши билан бир қаторда кўпгина макроиқтисодий муаммоларни ҳам бартараф этади.

Адабиётлар/Литература/Referese:

Бочаров В.В. (2019) Финансово-кредитные методы регулирования инвестиций. -М: Финансы и статистика, -144 с.

Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Экономическая теория. "Издательский дом "Питер"", Маг 10, 2016 - Business & Economics - 448 pages.

Гиляровская Л.Т. и др. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческих организаций. Учебник. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2019. – 159 с.

Казакова Н.А., Валинурова А.А. Стратегический менеджмент: учебник. М.: ИНФРА-М, 2014. – 320 с.

Римера М.И. (2017) Экономическая оценка инвестиций: Учебник / Под ред. - СПб.: Питер, - 416 с.

Тренев Н.Н. (2019) Управление финансами: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, – 495 с.

Чернов В.А. (2017) Инвестиционный анализ. 2-е изд., перераб. и доп. Учебное пособие. Гриф УМО. Гриф УМЦ «Профессиональный учебник» / В.А. Чернов; Под ред. М.И. Баканова. - М.: ЮНИТИ.